

## “БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА ВАТАНГА САДОҚАТ ФАЗИЛАТИНИНГ УЛУҒЛАНИШИ”

ЖДПУ Тарих факультети талабаси  
Абдурахмонова Эъзола Олим қизи

**Анотатсия:** Ушбу мақолада биринчи президенимиз И.А.Каримовнинг асарларида ватани севишни, ватанга садоқат каби туйғуларни улуғлашга қаратилган фикрларни очиб беришга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон Республикаси, Ислом Каримов, “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат ва мафкура”, Туркистон, Тўрон, ЮНЕСКО, Абдулла Қодирий, Давлат мустақиллиги.

Ўзбекистон Республикаси истиқлолининг дастлабки йиллариданоқ Биринчи Президент Ислом Каримов ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратган эди. Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, уларни юксак маънавиятли, зукко, билимдон, юрт тақдирини ўз зиммасига олишга қодир авлод сифатида вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинади. Ёшларга қаратилаётган эътиборнинг замирида жамиятимизнинг келгусидаги тараққиёти, унинг бутун жаҳон ҳамжамияти таркибида муносиб ўрин эгаллаши масаласи турибди. Яна масаланинг муҳим томони шу билан изоҳланадики, мамлакатимиз аҳолиси қатламининг 60 фоизидан ортиғини ёшлар ташкил этади.<sup>74</sup>

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимизга қаратилган мурожаатларида, давлат арбоблари билан ўтказилган йиғилишларда, матбуот орқали чиқишларида эл юртга, Ватанга, миллий истивлол ғоясига садоқат масалаларига кўп маротаба тўхталиб ўтган. Жумладан, “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат ва мафкура” асаридан уларнинг шундай чақириғини ўқиб олишимиз мумкин: “Бу кунга етганлар бор, етмаганлар бор. Шунинг учун ҳам озодликни соғиниб, озодлик йўлида курашиб ўтган аждодларимизни дуолари билан эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Аждодларимизнинг пок руҳлари шод бўлсин, уларнинг орзуларига муносиб ва садоқатли бўлайлик”.<sup>75</sup>

Ҳар бир ватандошининг энг муҳим ва энг муқаддас вазифаси Ватанни севиш ва унга ҳаётнинг сўнги дақиқаларигача садоқат билан хазмат қилишдир. Ватанимизга бўлган муҳаббат ва ҳурматимизни ҳеч бир ўлчов билан ўлчаб бўлмайди. Ватанга

<sup>74</sup> Ислом Каримов асарларида мамлакатимиз ёшлари ҳаётининг позициясини шакллантириш ва таълим-тарбия масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: “Янги нашр”, 2017, 209-бет.

<sup>75</sup> Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат фазилатларини камол топтириш. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2013, 148-бет.

муҳаббат тарбиясини оила қучоғидан бошлаш лозимдир. Биламизки, ёш болаларда Ватан тасаввури торроқ бўлади. Яъни улар учун Ватан – она қучоғидир. Болалар ўз оилаларини сева-сева Ватанни севишни ўрганадилар. Чунки оила муҳити Ватан муҳитининг асосини ташкил этади. Ватан муҳити дастлабки озиғини, дастлабки қувватини оила қучоғида олади.

Иймон-эътиқоди мустаҳкам оиладан Ватанга ҳиёнат қилувчи чиқмайди.<sup>76</sup> Оила аъзолари орасида нақадар қувватли боғланиш ва муҳаббат бўлса, Ватан муҳаббати ҳам шунчалар қувватли ва мустаҳкамли бўлади. ўз оила аъзоларига нисбатан муҳаббат туйғусига эга бўлмаган, уларга фидокорлик қилишни билмаган киши Ватанга фидокорлик туйғуси билан ҳам ошно бўла олмайди.

Шундай эсак, оила муҳити Ватан муҳитининг бошланиши, биринчи босқичи эканини ҳар нафас ҳам унутмаслик лозим.

Дарҳақиқат ўзбек халқи азалдан ўз Ватанига Ўзбекистонига, Туркистонига, Тўронига эга бўлган, ҳеч қачон беватан бўлган эмас. Лекин ҳаёти ҳамиша ҳам осуда кечавермаган. Унга гоҳ бахт кулиб боққан, гоҳ толеи забун бўлган.<sup>77</sup>

1991 йилнинг 31 августида биринчи Президент раҳнамолигида Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги эълон қилинган, Ватаннинг қадрли ортди, халқнинг қадрли тикланди. Ватан деган муқаддас тушунчадаги сохталиклар барҳам топиб, моҳият аниқлашди ва тиниқлашди. Бир тасаввур қилиб кўрайлик-чи, мустамлака йилларимизда Қуръони карим, Ҳадиси шарифни чоп этиб бўлармиди? “Халқ душмани” Абдулла Қодирий ногмида Давлат мукофоти таъсис этилармиди, Соҳибқирон бобомизга “Сквер революции”да ҳайкал ўрнатиб, 1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қила олармидик: Бу буюк сана ЮНЕСКО томонидан халқаро миқёсда нишонланармиди!...<sup>78</sup>

Биринчи Президент Ўзбекистоннинг барчамиз учун муқаддас Ватан эканлигини, бу замин ота-боболаримиз хоки ётган, вақти келиб ўзимиз ётадиган ер эканлигини кўп бор уқтирган ҳолда, шу юрт фарзандларини Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муқаддас заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш – бугуннинг энг устувор вазифаларидан бирига айланаётганини ҳам тез-тез эслатиб ўтадилар.

Биринчи Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида виждон, адолат, бефарқлик, Ватанга ҳиёнат, сотқинлик ҳақида алоҳида тўхталиб, шундай дейилади: “Виждони уйғоқодам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди. Айниқса, эл-юрт манфаатларига зарар етказадиган ёвуз хатти-

<sup>76</sup> Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат фазилатларини камол топтириш. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2013, 148-бет.

<sup>77</sup> Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 148-бет.

<sup>78</sup> Иброҳимов И. Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 148-бет.

ҳаракатларига ҳеч қачон четдан жим қараб туролмайди, ўз юрти ва халқига нисбатан ҳиёнат ва сотқинликни асло қабул қилолмайди”.<sup>79</sup>

Айниқса, бугунги шиддатли заминда лоқайд ва бепарво бўлмасдан, юртимизда, минтақамизда, ер юзида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшашни ҳаётни ўзи кўрсатиб бормоқда. Истиқлолимиз меъморининг “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик қаерда “рисоласида бу масалага катта эътибор қаратилган: “Тинч-осойишта ҳаёт, барқарорликнинг энг муҳим шарти шуки, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, доимо огоҳ, ҳар томонлама сезгир ва уйғоқ бўлиш, тарихдан, ҳаётдан хулоса чиқариб яшаш керак. Бундай қараш, бундай кайфият шу азиз юртимиздаги барча ватандошларимизнинг ҳаётий мақсадига айланишини истардим”.<sup>80</sup>

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти айтганидек, шубҳасиз барчамиз шу жафокаш ва мард халқнинг содиқ фарзандимиз, унга садоқат ва ҳалоллик билан хизмат қилсак, албатта ўз мақсадимизга етамиз.

Ўзбекистон равнақи, халқимизга фаровон турмуш яратиш бериш учун ўз меҳнати, ақл-заковати, истеъдоди ва салоҳиятини аямай, ҳузур-ҳаловатдан кечиб, Ватанимизга сидқидилдан ва садоқат билан хизмат қилишга бел боғлаб, халқимизнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришга аҳд этган инсонлар туфайлигина Ватан обод, юрт мустақил ва халқ фаровон бўлади.

<sup>79</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008, 71-бет.

<sup>80</sup> Каримов И.А. Ўзбекхалқига тинчлик ва омонлик керак”. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2013. 31-32-бетлар.